

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 05/30.12.2019.Qx.42.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

РАВШАНОВ БЕКЗОД ҚУРБОНОВИЧ

**ШОЛИ ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА АЗОТЛИ ЎҒИТЛАР
МЕЪЁРИ ВА БАКТЕРИАЛ ПРЕПАРАТЛАР САМАРАДОРЛИГИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural
sciences**

Равшанов Бекзод Қурбонович

Шоли ҳосилдорлигини оширишда азотли ўғитлар меъёри ва бактериал
препаратлар самарадорлиги....3

Равшанов Бекзод Қурбонович

Эффективность бактериальных препаратов и доз азотных удобрений в
повышении урожайности риса21

Ravshanov Bekzod Qurbonovich

Efficiency of doses of nitrogen fertilizers and bacterial preparations in increasing
rice yield.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 05/30.12.2019.Qx.42.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

РАВШАНОВ БЕКЗОД ҚУРБОНОВИЧ

**ШОЛИ ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА АЗОТЛИ ЎҒИТЛАР
МЕЪЁРИ ВА БАКТЕРИАЛ ПРЕПАРАТЛАР САМАРАДОРЛИГИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим фан ва инновация хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2023.2 PhD/Qx1118 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Шолчилик илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб саҳифанинг www.psuyaiti.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Намозов Фазлиддин Бахромович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ибрагимов Назирбай Мадримович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор;
Ўразметов Қахрамон Каримбоевич
қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори,
доцент.

Етакчи ташкилот номи:

Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти

Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01. рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2024 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878)150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: пахтауз@mail.uz).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ ___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84. факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Н.Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси. қ.х.ф.д, профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби., қ.х.ф.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё аҳолиси сонининг ортиб бориши билан бир қаторда гуруч маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти (USAID) маълумотларига кўра, шоли етиштириш миқдори ўтган йили 496,40 млн тоннани ташкил этган бўлса, жорий йилда 503,17 млн тонна гуруч етиштирилган ва дунё бўйича 6,77 млн тонна ёки 1,36 фоизга ортган¹. Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда янги ресурстежамкор агротехнологиялар орқали аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини етарлича таъминлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда биопрепаратларнинг аҳамияти катта эканлиги аниқланган. Биопрепаратлар қўлланганда ўсимликдаги физиологик жараёнлар жадаллашади, атроф – муҳитга салбий таъсир қилмайди, тупроқдаги фойдали микро организмлар кўпаяди, патогенлар камаяди ва минерал ўғитлар учун сарфланадиган харажатлар тежалади. Дунёда турли экинларда биопрепаратларни қўллаш ҳамда минерал ўғитлар меъёрларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, шоли етиштиришда унинг уруғларига экишдан олдин биопрепаратлар билан ишлов бериш ҳамда минерал ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда етиштириш агротехнологиясини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, экспортни ошириш, соҳага замонавий технологияларни татбиқ этиш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ, бугунги кунда тобора кучайиб бораётган сув тақчиллиги, аҳоли сонинг ўсиши, сувни кўп истеъмол қиладиган экинларни етиштиришда сув тежамкор ва замонавий агротехнологияларни жорий этишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 февралдаги ПҚ-4973-сонли “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорида шоли экин майдонини кўпайтириш, аҳолини гуруч билан барқарор таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш белгилаб берилган². Бунда илмий-тадқиқот ишларини кучайтириб, замонавий технологияларни жорий этиш, элита уруғчилик хўжаликларини ташкил этиш, тупроқ ва иқлим шароитларига мос янги шоли навларини яратиш, сувни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158 сон “Ўзбекистон-2030 стратегияси тўғрисида” ги фармонларида кўрсатилган донли экинлар

¹ (USAID) <https://www.workwithusaid.org/sub-opportunities>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2021 йилдаги ПҚ-4973-сон «Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори

ҳосилдорлигини 80-85 ц/га га етказиш, ресурстежамкор замонавий агротехнологияларни жорий этиш, аграр соҳада илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, шולי етиштиришни кўпайтириш, ички исьтемом бозорини гуруч маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича топшириқлар берилган фармон, қарор ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Азотли ўғитлар ва биопрепаратларни шוליчилиқда қўллаш, шолининг ўсиш-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича М.А. Baset Mia, Z.H. Shamsuddin and Maziah Mahmood, M. Redding, C. Pratt, W. Wang, W.F.Ríos-Ruiz, E.E.Torres-Chávez, J.Torres-Delgado, J.C.Rojas-García, E.J Bedmar, R.A.Valdez-Nuñez каби хорижий олимлар ҳамда Е.И.Свежакова, А.В.Нестеров, В.Ф.Щупаковский, Х.У.Ўрмонова, М.П.Сборщикова, М.Т.Когай, Х.У.Азимов, Г.Н.Рахимов, М.А.Саттаров, З.Н.Джуманов, А.П.Эгамназаров, М.А.Эргашев, Б.И.Қаландаров ва бошқа маҳаллий олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Бироқ, Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида шолининг ўсиши, ривожланиши, ва ҳосилдорлигига азотли ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда турли биопрепаратларни қўлланилиши етарлича ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот институтининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Шוליчилиқ илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида №ҚХ-А-ҚХ-2018-51 “Муттасил шולי етиштириш ва алмашлаб экиш тизимида суғориш режимини, комплекс ўғитлар ҳамда ўсишни маромлаштирувчи воситалар қўллаш тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган - (2018-2020).

Тадқиқотнинг мақсади: Тошкент вилоятининг ўтлоқи ботқоқ тупроқлари шароитида шолидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда азотли ўғитларни қўллаш меъёрларига боғлиқ ҳолда турли биопрепаратларнинг таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лаборатория ва дала шароитида уруғларни униб чиқишига биопрепаратлар таъсирини аниқлаш;

шולי кўчат қалинлиги ва ҳосилни йиғиб олгунча сақланувчанлигига биопрепаратлар ва азотли ўғитлар меъёрларининг таъсирини ўрганиш;

шолининг ўсиши ривожланиши, вегетатив ва генератив органларининг

шаклланишига биопрепаратлар ҳамда азотли ўғитлар меъёрларининг таъсирини аниқлаш;

шолининг “Искандар” навини барг юзаси, куруқ массаси ва фотосинтез фаолиятига биопрепаратлар ҳамда азотли ўғитлар меъёрларининг таъсирини ўрганиш;

азотли ўғитлар ва биопрепаратларнинг шоли ҳосили структураси, ҳосилдорлиги ва уруғ сифатига таъсирини аниқлаш;

шоли етиштиришнинг азотли ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда турли биопрепаратларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида Тошкент вилоятининг ўтлоқи ботқоқ тупроқлари, шолининг ўртапишар “Искандар” нави, “Ер Малҳами”, “Бист”, “Замин М” биопрепаратлари олинган.

Тадқиқот предмети шоли ўсимлигининг ўсиши ривожланиши, кўчат қалинлиги ва сақланувчанлиги, куруқ массаси ва барг сатҳининг шаклланиши, ўсув даври давомийлиги, ҳосилдорликги ва дон сифат кўрсаткичлари ҳисоблади.

Тадқиқот усуллари: Дала тажрибалари, лаборатория таҳлиллари ва фенологик кузатувлар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» қўлланмаси асосида ўтказилган. «Инсектицид, акарицид, биологик актив моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар» дан фойдаланилган ва Н.Н.Третьяков услуби бўйича фотосинтез соф маҳсулдорлиги аниқланган, олинган натижалар Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов услубига асосан статистик математик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент вилоятининг ўтлоқи ботқоқ тупроқлари шароитида шолининг ўртапишар “Искандар” навида азотли ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда “Ер-Малҳами”, “Бист” ва “Замин-М” биопрепаратларини қўллаш ишлаб чиқилган;

“Искандар” шоли нави уруғини экишдан олдин “Замин-М” биопрепарати билан 10 л/т меъёрда ишлов берилиб, минерал ўғитлар билан $N_{100}P_{70}K_{140}$, кг/га меъёрда озиклантирилганда, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши жадаллашиб, 77,5 ц/га дон ҳосили олишга эришилган;

“Искандар” шоли навида биопрепаратлар қўлланилганда дон сифати яхшиланиб, амилаза микдори 3- 4% ортгани аниқланган;

“Искандар” шоли навида биопрепаратлар таъсирида ўрим йиғимгача бўлган даврда, кўчатларнинг сақланувчанлик даражаси юқорилиги аниқланган.

“Искандар” шоли навида биопрепаратлар қўллаш таъсирида соф даромат 17070 минг сўм рентабеллик даражаси 122,3 % юқорилиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тошкент вилоятининг ўтлоқи ботқоқ тупроқлари шароитида “Искандар” шоли навини гектарига 6 млн дона уруғ ҳисобида экиб, $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрларда 10л/т биопрепарат билан озиклантирилганда юқори ҳосилдорликка эришилган ҳолда майдон бирлигига

сарфланадиган азотли ўғитлар миқдорини 25-30 фоиз тежаш мумкинлиги аниқланган;

шоли етиштиришда биопрепаратлар ва азотли ўғитларнинг мақбул меъёрлари қўлланилиши натижасида дон ҳосилдорлиги 15-20 % ортиб, сифат кўрсаткичлари яхшиланган;

шоли уруғига экиш олдида биопрепаратлар билан ишлов берилганда ўсиши, ривожланиши, дон ҳосилдорлиги ва сифати 3-4 % ортган;

шолининг “Искандар” нави уруғига экиш олдида Замин-М биопрепарати билан 10 л/т меъёрда ишлов берилиб, минерал ўғитлар билан $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га озиклантирилганда 77,5 ц/га ҳосил етиштирилиб, гектаридан 122,3 минг сўм/га фойда олиниб, 32,0 % рентабелликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Лаборатория ва дала шароитларида олиб борилган тажрибаларнинг натижалари ва фойдаланилган услублар ҳамда олинган маълумотларда назарий ва амалий натижаларнинг бирига мос келиши, хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, хулосаларнинг асосланганлиги, мутахассислар олинган илмий маълумотлар маҳаллий ва хорижий наширлар чоп этирилганлиги томонидан апробациядан ўтказилиб ижобий баҳоланганлиги, Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги натижаларнинг ишончлилигини билдиради.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида шолининг “Искандар” нави уруғининг униб чиқишига, ўсиб ривожланишига, қуруқ масса тўплаши ва барг сатҳини шаклланишига, тупланиш даражасига, ҳосил структураси ҳамда доннинг технологик сифат кўрсаткичларига азотли ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда Замин-М биопрепаратини қўллашнинг таъсири илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шолидан юқори ва сифатли ҳосил етиштирилиши ва азотли ўғитлар тежалиши, ҳамда шоли етиштириш таннархининг пасайиши, рентабеллик даражаси юқори бўлганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида шолидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда азотли ўғитлар муъёрларига боғлиқ ҳолда биопрепаратларни қўллаш самарадорлигини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида;

шоличиликка ихтисослашган фермер ва томорқа хўжаликлари учун “Шоли етиштиришда минерал ўғитлар ҳамда биопрепаратлар қўллаш бўйича тавсиялар” тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил, 15 сентябр 04/21-21-05/4701-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома шоличилик фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

шоли етиштиришда минерал ўғитларни $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрда қўллаш ва уруғ экиш олдида Замин-М биопрепарати билан 10 л/т меъёрда ишлов бериш технологияси Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманида 40,0 га

майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 15 сентябр 04/21-21-05/4701-сон маълумотномаси). Натижада шолининг “Искандар” навидан 72,5 ц/га дон ҳосили олиниб, ҳосилдорлик 5,3 ц/га ошган, рентабиллик даражаси 105,8 % ни ташкил этган;

шоли уруғларига экиш олдида "Замин-М" биопрепарати билан 10 л/т меъёрда ишлов бериши Хоразм вилояти Гурлан туманида 20 га майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 15 сентябр 04/21-21-05/4701-сон маълумотномаси). Натижада шолининг "Искандар" навидан 71,8 ц/га дон ҳосили олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва иновациялар миллий маркази ва Шолчилик илмий-тадқиқот институтининг махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари 2 марта республика ва 3 марта халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та, жумладан журналларда 4 та, хорижий журналда 1 та, республика илмий-амалий анжуманларида 2 та, халқаро илмий-амалий анжуманларда 2 та илмий мақола нашр этилган ва 1 та тавсиянома ишлаб чиқарилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4-та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Шолининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига биопрепаратлар ва азотли ўғитлар таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган хорижий ва маҳаллий илмий тадқиқотлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, маҳаллий ва хорижий адабиётларда ўрганилаётган омиллар бўйича чоп этилган маълумотлар батафсил таҳлил қилинган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, шоли етиштиришда биопрепаратларнинг аҳамияти, ўғит меъёрларини, турли биопрепаратларнинг ва ўғит меъёрларни шоли ўсиш ривожланишига, вегетатив ва генератив органларнинг шаклланишига, ҳосилдорлигига таъсири бўйича маҳаллий ва

хорижий олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижалари келтирилган ва хулоса қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотларни ўтказиш шароити ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот ўтказиш услублари ҳамда агротехнологик тадбирлар қайд қилинган.

Тажриба ўтказилган майдон суғориладиган ўтлоқи ботқоқ тупроқлар бўлиб ҳайдов қатламидаги гумус миқдори 1,7%, умумий азот 0,29%, фосфор 0,30%, калий 0,84% ни ташкил этди. Тажриба ўтказилаётган майдон қисман қия жойлашганлиги, тупроқнинг пастки қатлами қум ва майда тошлардан ташкил топганлиги, ер ости сувлари шимолий - шарқ томондан жанубий-ғарб томонга оқиб туриши сабабли минерал тузлар йўқ. Маълумки, бўз тупроқлар қатламларга кам табақаланган бўлиб, гумуснинг камлиги билан характерли, бу бўз тупроқларда бўладиган ўзига хос рангидан ҳам кўриниб туради.

Тажрибалар Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Шоличилик илмий-тадқиқот институти синов тажриба майдончасида 2018-2020 йилларда ўтказилиб, барча кузатиш, ўлчаш ва таҳлиллар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», тупроқ таркибидаги озика моддалар миқдорларини аниқлашда «Методы агрохимических анализов почв и растений», «Тупроқ микробиологияси ва биокимёси услублари» услубий қўлланмаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Тажрибалардан олинган маълумотларнинг статистик таҳлили Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» қўлланмаси асосида амалга оширилган.

Дала тажрибалари шолининг ўрта пишар “Искандар” нав уруғи тажрибада сепма экиш усулларида экилган бўлиб, 16 та вариант, 3 такрорланиш ҳар бир пайкал майдони 25м^2 , умумий тажриба майдони $(48 \times 25\text{м}^2) = 1200\text{м}^2$ дан иборат.

Тажриба даласида 0-30 ва 30-50 см. чуқурликлардан тупроқ намуналари олиниб, агрохимёвий таҳлиллар олиб борилган, гумус миқдори И.В.Тюрин, ялпи азот, фосфор ва калийнинг умумий миқдорлари Л.П.Гриценко, И.М.Мальцеванинг такомиллашган услубларида, нитрат шаклидаги азот миқдори Грандввал-Ляжу, аммоний шаклидаги азот миқдори Несслер реактивида, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин ва алмашинувчан калий П.В.Протасов усули бўйича аниқланган.


Ўсимлик донидаги (оқсил, амилаза) таҳлиллари Тошкент Кимё-технология институти Виночилик ва саноат узумчилик технологиялари факультетига қарашли лабороторияда аниқланди. Амилолитик фаолликни аниқлаш крахмал молекуласини ферментатив гидролиз натижасида ҳосил бўладиган маҳсулотларни аниқлаш асосида аниқланди.

Диссертациянинг **“Шолининг Искандар нави маҳсулдорлигига биопрепарат ва ўғит меъёрларининг таъсири”** деб номланган учинчи бобида уруғларнинг унувчанлиги (дала ва лаборатория шароитида), ҳосилни йиғиштиришгача сақланиши, шолининг ривожланиш фазалари ва вегетация


даврининг давомийлиги, ўсиш динамикаси, ўсимликнинг биометрик кўрсаткичлари, ҳосил структураси, ҳосилдорлик, ҳосил сифати батафсил баён этилган.

Лаборатория шароитида биопрепаратлардан фойдаланиш шоли уруғларининг униб чиқиши ва униб чиқиш энергиясига таъсир кўрсатди. “Искандар” шоли нави уруғи униб чиқишининг юқори энергияси “Ер Малҳами” ва “Замин М” биопрепаратлари қўлланган вариантда кузатилди. Энг кўп униб чиққан уруғлар “Замин М” биопрепарати қўллаган вариантда кўзатилган (97,0%). Тажрибада уруғларнинг дала унувчанлиги тажриба вариантларида кескин фарқланди ва 40 % дан 49,9 % гача ораликда тебранди. Биопрепарат қўлланилган вариантларда дала шароитида унувчанлик ошиб борди. “Ер Малҳами”, “Бист” ва “Замин М” биопрепаратлари қўлланилган вариантларда дала шароитида уруғнинг униб чиқиши, мос равишда, 288,11, 298,8 ва 293,4 м²/донани ташкил қилгани аниқланди. Ўғитлаш меъёри ва биргаликда биопрепаратларнинг қўлланиши ўсимликларнинг туб сонини ошиб боришига олиб келади. Ўғитлаш меъёрлари таққосланганда энг юқори натижа N₁₅₀P₇₀K₁₄₀ кг/га вариантда, биопрепаратлар билан қўллаганда ҳам ўғит меъёри N₁₅₀P₇₀K₁₄₀ кг/га вариантда ҳам шу ҳолат кузатилди. Биопрепаратларни таққослаганда, энг юқори натижа “Замин М” ва ўғит кулланган вариантларда бўлганлиги аниқланган.

Шолининг “Искандар” навини экиш-униб чиқиш даврининг давомийлиги 8-7 кунни ташкил этган (1,-2,-3,-4-расмлар).




1-расм. Шолининг Искандар навини ривожланиш даврларининг давомийлигига биопрепаратларнинг таъсири



2-расм. Шолининг Искандар навини ривожланиш даврларининг давомийлигига биопрепаратлар ва ўғит N₅₀P₇₀K₁₄₀ кг/га меъёрларининг таъсири



3-расм. Шолининг Искандар навини ривожланиш даврларнинг давомийлигига биопрепаратлар ва ўғит $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрларининг таъсири



4-расм. Шолининг Искандар навини ривожланиш даврларнинг давомийлигига биопрепаратлар ва ўғит $N_{150}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрларининг таъсири

Тупланиш даврининг давомийлиги тажриба вариантларида ўрта ҳисобда 21 кунни ташкил этган битта, рувакланиш фазаси эса биопрепаратлар ва ўғит меъёрларининг ошиши бу даврни узайтишга олиб келди ва натижасида 27 кун дан 31 кунгача давом этди. Биопрепаратлар қўлланиши назорат вариантларга нисбатдан 3 – 4 кунга узайди. Гуллаш фазасида ҳам назорат вариантга нисбатдан ўғит ва биопрепаратлар қўлланилган тажрибаларда шоли ўсимлигининг ривожланиши ўзайиши кўзатилади, бу кўрсаткичнинг фарқи 13 кунни ташкил қилди. Мум пишиш ва пишиш даврларда ҳам биопрепарат ва ўғит меъёрларининг таъсирида фазаларнинг ўзайиши аниқланган.

Шолининг ўсиш динамикасига биопрепаратлар ва азотли ўғитларнинг меъёрлари таъсири ўрганилган. “Ер Малхами”, “Бист” ва “Замин М” биопрепарат қўлланиши шоли ўсимлигининг ўсиш динамикасини тезлаштирган. Шолининг “Искандар” навни поя баландилиги, пишиш фазасида, мос равишда 110,2, 112,0 дан 112,8 см ни ташкил қилган.

Ўғит меъёрлари қўлланиши ҳам, бу кўрсаткични ошириб беришига олиб келган. Энг юқори поя баландилиги фон сифатида ўғит меъёри $N_{150}P_{70}K_{140}$ кг/га ва “Ер малхами”, “Бист” ва “Замин М” биопрепаратлари қўлланилган вариантларда кўзатилади, мос равишда 129,8, 126,3, 127,8, 129,5 см, ташкил қилган. Битта ўсимликдаги барглари шаклланишига биопрепаратлар қўлланиши натижасида барглари сони ошириши аниқланди. Қўлланилган биопрепаратлар ўсимликда бўлиб ўтадиган жараёнларни кучайтириши натижасида барглари сони кўп бўлишига олиб келди. Ўғит қўлланиши эса ушбу кўрсаткични янада оширишига таъсир қилгани аниқланди ва юқори кўрсаткич ўғит $N_{150}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрида ҳамда “Замин М” биопрепарат қўлланилганда кўзатилади. Биопрепарат ва ўғит меъёрларининг ошириши барг

сатҳининг ошишига олиб келди. Минерал ўғитлар $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёردа қўлланилган вариантда бу кўрсаткич $73,1 \text{ см}^2$ га, $N_{150}P_{70}K_{140}$ кг/га қўлланилган вариантда эса $75,6 \text{ см}^2$ га бўлганлиги аниқланди. Биопрепаратлар ва ўғитлаш меъёрлари ошиши бу кўрсаткич ортишига олиб келди, энг юқори кўрсаткич $75,5 \text{ см}^2$ $N_{150}P_{70}K_{140}$ кг/га +Замин М қўлланилган вариантда бўлди. Ўғит меъёри ошиши барг сатҳининг ошишига олиб келди, биопрепаратлар қўлланиши ушбу кўрсаткични янада баланд бўлишига сабаб бўлди. Барг сатҳи $N_{150}P_{70}K_{140}$ кг/га +“Замин М” қўлланилган вариантда, назоратга нисбатан $12,5 \text{ см}^2$ га юқори бўлди. Сут пишиш даврига келиб барг сатҳининг пасайиши аниқланган. Ушбу даврда ўсимликда физиологик жараёнлар тўхташни бошлайди, озиқа моддаларнинг барглар, поялардан генератив органларга (уруғга) оқиб чиқиши жадаллашади. Бу даврга келиб барг сатҳининг энг паст кўрсаткичи назорат вариантда (ўғитсиз, биопрепаратсиз) кузатилган. Бошқача қилиб айтганда, бу вариантда барг қуриши бир оз олдинроқ бўлиб ўтилиши аниқланган. Ўғит меъёри юқори ва биопрепаратлар қўлланилган вариантда бу жараён узокроқ ўтганлиги кўзатилган. Биопрепарат “Замин М” ва ўғит меъёри $N_{150}P_{70}K_{140}$ кг/га вариантда $5,9 \text{ см}^2$ энг юқори бўлган.

Тадқиқотда шоли “Искандар” навининг барг сатҳи индексига биопрепаратлар ва ўғит меъёрлари таъсирини ўрганилди, шолининг тупланиш даврида назоратда барг сатҳи индекси $2,6 \text{ м}^2/\text{м}^2$ ни ташкил қилган бўлса “Ер малҳами” қўлланилганда $2,8 \text{ м}^2/\text{м}^2$, “Бист” биопрепарати қўлланилганда $3,0 \text{ м}^2/\text{м}^2$, “Замин–М” $3,1 \text{ м}^2/\text{м}^2$ ни ташкил этган ва назоратга нисбатан $0,2, 0,4, 0,5 \text{ м}^2$ юқори бўлган. Рўвакланиш фазасида барг сатҳининг индекси назорат вариантда $4,1 \text{ м}^2/\text{м}^2$, “Ер Малҳами” биопрепарат қўлланилганда бу кўрсаткич $4,3 \text{ м}^2/\text{м}^2$, “Бист” $4,6 \text{ м}^2/\text{м}^2$, “Замин–М” $4,9 \text{ м}^2/\text{м}^2$ ошгани кузатилди. Сут пишиш фазасида барг сатҳининг индексини пасайиши маълум бўлди ва назорат вариантда $3,2 \text{ м}^2/\text{м}^2$, “Ер-Малҳами” биопрепарати қўлланилганда $3,3 \text{ м}^2/\text{м}^2$, “Бист” $3,5 \text{ м}^2/\text{м}^2$, “Замин М” $3,8 \text{ м}^2/\text{м}^2$ ни ташкил қилган.

Фақат ўғит қўлланилган вариантларда бу кўрсаткичларнинг ошиши аниқланган. Ўғит $N_{50}P_{70}K_{140}$, $N_{100}P_{70}K_{140}$, $N_{150}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрларда қўлланилганда тупланиш фазасида барг сатҳининг индекси $3,3 \text{ м}^2/\text{м}^2$, $4,0 \text{ м}^2/\text{м}^2$, $4,8 \text{ м}^2/\text{м}^2$ ташкил қилган бўлса, рўвакланиш фазасида бу кўрсаткич ошиб борди ва вариантларга мос равишда $5,1 \text{ м}^2/\text{м}^2$, $5,9 \text{ м}^2/\text{м}^2$, $6,5 \text{ м}^2/\text{м}^2$ га тенг бўлганлиги аниқланди. Сут пишиши фазасида барг сатҳи индексининг пасайиш қонунияти ушбу вариантларда ҳам кўзатилган ва мос равишда $3,9 \text{ м}^2/\text{м}^2$, $4,7 \text{ м}^2/\text{м}^2$, $5,1 \text{ м}^2/\text{м}^2$ ни ташкил қилди. Биопрепаратлар ва ўғит қўлланилган вариантларда бу кўрсаткич янада ошиб бориши аниқланган. Ўғит $N_{50}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёردа ва “Ер Малҳами”, “Бист” ва “Замин М” биопрепаратлари қўллаганда тупланиш фазасида барг сатҳининг индекси мос равишда $3,5 \text{ м}^2/\text{м}^2$, $3,7 \text{ м}^2/\text{м}^2$, $3,8 \text{ м}^2/\text{м}^2$ ташкил қилди. Ўғит меъёрлари ошиши, биопрепаратлар билан бирга қўллаганда барг сатҳи индексининг ошишига олиб келди ва энг юқори кўрсаткич $N_{150}P_{70}K_{140}$ кг/га + “Замин М” қўлланилган

вариантда кузатилган. Барча тажрибаларда рўвакланиш даврида барг сатҳининг индекси ошиши, сут пишиш даврида эса пасайиш аниқланган. Шолининг “Искандар” навни тупланиш коэффиценти ўрганилганда, кўйидаги натижалар олинди. Биопрепаратлар қўлланилган вариантларда шоли “Искандар” навининг тупланиш коэффиценти 1,29 дан 1,30 гача ўзгарди. Назорат (биопрепаратсиз ва ўғитсиз) вариантга нисбатдан бу кўрсаткич 0,01 дан 0,02 гача юқори бўлди. “Замин М” биопрепарати қўлланилган вариантда тупланиш коэффиценти бошқа биопрепаратлардан кўра баланд бўлгани–1,30 кузатилди. Ўғит қўллаганда тупланиш коэффиценти ошиб бориши аниқланди. Ўғит $N_{50}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрада қўлланилган тажрибада тупланиш коэффиценти 1,65 ни ташкил қилди, назоратга нисбатан 0,37 га юқори бўлди. Ўғит $N_{50}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрада ҳамда биопрепарат қўлланилганда бу кўрсаткич 1,68 дан 1,7 гача ошгани аниқланди.

“Ер Малҳами” + фон қўлланилганда 1,68,% “Бист” + фон – 1,69, “Замин М” + фон – 1.7 бўлганини кузатдик. Биопрепарат + фон қўлланилган вариантда, назоратга нисбатдан тупланиш коэффиценти 0,4 га кўп бўлди. Ўғит $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёри қўлланилганда тупланиш коэффиценти назоратга нисбатан 0,57 га юқори бўлиб, 1,85 ни ташкил қилди. “Ер Малҳами”, “Бист” ва “Замин М” биопрепаратлари + фон қўлланилганда тупланиш коэффиценти мос равишда 1,86, 1,87 ва 1,89 га тенг бўлиб, назорат вариантыга нисбатан 0,58, 0,59, 0,61 га кўп бўлди. Фақат ўғит $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрида қўлланилган вариантга нисбатдан биопрепарат + фон қўлланилганда тупланиш коэффиценти 0,01 – 0,04 га ошгани кузатилди. Ўғит меъёри $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га + биопрепаратлар “Ер Малҳами”, “Бист” ва “Замин М” қўлланилганда вариантда тупланиш коэффиценти мос равишда 2,16, 2,21 ва 2,23 ни ташкил қилган. Назорат варианга нисбатан 0,88, 0,93 ва 0,95 га юқори бўлгани аниқланган. Фақат ўғит $N_{150}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрада қўлланилган вариантга нисбатан бу кўрсаткич биопрепаратлар қўлланилган вариантларидан 0,15, 0,2 ва 0,22 га паст бўлгани кузатилди. Биопрепаратлар қўлланиши маҳсулдор поялар сонини ошишига олиб келди. Лекин ҳар хил ўғит меъёрлари фон сифатида ва биопрепаратлар билан қўлланиши бу кўрсаткични янада ошиб боришига олиб келди. Энг юқори кўрсаткич – 461,1 дона/ m^2 $N_{150}P_{70}K_{140}$ кг/га + “Замин М” қўлланилган вариантда аниқланган. Шолини “Искандар” навининг рўвагидаги пуч донлар сонига биопрепарат ва ўғит таркибидаги азот меъёри ошиши салбий таъсир қилди, ва бу кўрсаткични ошиши кузатилди лекин биопрепаратларнинг қўлланиши ўсимлик рўвагидаги пуч донлар сонини камайишига олиб келди. Энг мақбул кўрсаткич “Замин М” биопрепарати қўлланилганда кузатилган. Тадқиқотлар кўрсатдики, биопрепаратлар қўлланиши шолининг “Искандар” навининг 1000 дона донини вазнини ошишига олиб келди. Ўғит меъёрлари қўлланиши ҳам бу кўрсаткични ўзгартирди. Энг юқори 1000 дона дон вазни фон сифатида $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га ўғит меъёри ва “Замин М” биопрепарати қўлланилган вариантда аниқланган. Ўғит меъёри ошиши ва тушиши бу кўрсаткичнинг пасайишига олиб келди. Олиб борилган тажрибада шолини “Искандар”

навининг ҳосилдорлигига ўғит меъёрлари ва биопрепаратларни таъсири ўрганилганда, назорат (ўғитсиз ва биопрепаратсиз) вариантда шоли “Искандар” навининг ҳосилдорлиги 45,5 ц/га ташкил қилган бўлса, биопрепарат қўлланиши натижасида бу кўрсаткич 55,06 дан 58,75 ц/га гача тенг бўлган, кўшимча ҳосил 21 – 29,1% га гача ошгани аниқланган. Назоратга нисбатан ҳосилдорлик 9,56 дан 13,25 ц/га ошган.

1-жадвал

Искандар шоли нави азотли ўғитлар меъёрларига ва биопрепаратларнинг дон ҳосилига таъсири.


№	Вариантлар	Ҳосилдорлик, ц/га			Ўртача, ц/га	Кўшимча ҳосил	
		2018	2019	2020		ц/га	%
1	Назорат	44	46	47	45,5	-	-
2	Ер малҳами	51	57	59	55,0	9,5	21
3	Бист	55	58	60	57,7	12,2	26,8
4	Замин М	58	60	58	58,7	13,2	29,1
5	N ₅₀ P ₇₀ K ₁₄₀	55	60	61	58,8	13,3	29,2
6	N ₅₀ P ₇₀ K ₁₄₀ +Ер малҳами	63	68	69	66,9	21,4	47,0
7	N ₅₀ P ₇₀ K ₁₄₀ +Бист	64	69	70	67,8	22,3	49,0
8	N ₅₀ P ₇₀ K ₁₄₀ +Замин М	70	73	74	72,0	26,5	58,4
9	N ₁₀₀ P ₇₀ K ₁₄₀	69	74	75	72,5	27,0	59,4
10	N ₁₀₀ P ₇₀ K ₁₄₀ +Ер малҳами	71	78	77	75,3	29,8	65,6
11	N ₁₀₀ P ₇₀ K ₁₄₀ +Бист	74	77	81	77,1	31,6	69,6
12	N ₁₀₀ P ₇₀ K ₁₄₀ +Замин М	75	78	80	77,5	32,0	70,4
13	N ₁₅₀ P ₇₀ K ₁₄₀	55	57	60	57,3	11,8	26,0
14	N ₁₅₀ P ₇₀ K ₁₄₀ +Ер малҳами	56	57	60	57,9	12,4	27,2
15	N ₁₅₀ P ₇₀ K ₁₄₀ +Бист	54	59	61	58,0	12,5	27,4
16	N ₁₅₀ P ₇₀ K ₁₄₀ +Замин М	56	60	59	58,1	12,6	27,7
	НСР ₀₅ ц/га=	2,94					
	НСР ₀₅ %	5,15					

Ўғит N₅₀P₇₀K₁₄₀ кг/га меъёрида қўлланилган вариантда ҳосилдорлик назоратга нисбатан 13,3 ц/га ошган булиб, биопрепаратлар қўшилиши натижасида ҳосилдорлик 66,9 – 72,0 ц/га гача етган кузатилган. Фақат биопрепарат ва биопрепарат билан ўғит N₅₀P₇₀K₁₄₀ кг/га меъёрида қўлланилган вариантларда энг юқори кўрсаткич “Замин М” биопрепарат қўлланилган вариантда аниқланган. Ўғит N₅₀P₇₀K₁₄₀ кг/га меъёрида қўлланилган (58,8 ц/га) фақат биопрепарат қўлланилган вариантдан юқори бўлганлиги, ҳамда ўғит N₅₀P₇₀K₁₄₀ кг/га меъёрида + биопрепарати қўлланилиши ҳам юқори бўлганлиги кузатилган (1-жадвал). Ўғит N₅₀P₇₀K₁₄₀ кг/га меъёрида + биопрепарат қўлланилганда кўшимча 21,4 – 26,5 ц/га ҳосил олишни таъминлаган. Фақат биопрепарат қўлланилган вариантга нисбатан ўғит N₅₀P₇₀K₁₄₀ кг/га меъёрида қўлланиши ҳосилдорликни 3,7 – 14,1 ц/га га оширган. “Ер Малҳами” + N₅₀P₇₀K₁₄₀ кг/га қўлланилган вариантда ҳосилдорлик 66,9 ц/га ни ташкил қилган бўлса, фақат “Ер Малҳами” биопрепарати қўлланилган вариантда эса бу кўрсаткич 11,8 ц/га га кам бўлган. Ҳосилдорлик “Бист” + N₅₀P₇₀K₁₄₀ кг/га қўлланилган вариантда, фақат “Бист” биопрепарати қўлланилган вариантга нисбатан 10,1 ц/га юқори бўлди ва “Замин М” + N₅₀P₇₀K₁₄₀ кг/га вариант,


“Замин М” қўлланилган вариантга нисбатан 13,3 ц/га юқори бўлганилиги кузатилган. Ўғит меъёри оширилиши ($N_{100}P_{70}K_{140}$) кг/га ҳосил кўрсаткичини ҳам оширишига олиб келганлиги аниқланди. Фақат ўғит $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрида қўлланилган вариантда ҳосилдорлик 72,5 ц/га ни ташкил қилган. Биопрепаратлар қўлланилиши ҳосилдорликни назоратга нисбатан 29,8 дан 32,0 ц/га қўшимча ҳосил олишга ва ҳосилдорликни 75,3 дан 77,5 гача етганлиги аниқланди. Ўғит оширилган $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрида қўлланилганда энг юқори кўрсаткич “Замин М” биопрепарати қўлланилган вариантда, энг паст кўрсаткич фақат ўғит $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрида қўлланилган вариантда, биопрепаратлар қўлланилган вариантлар орасида эса “Ер Малҳами” қўлланилган вариантда аниқланган. Фақат биопрепаратлар ва ўғит $N_{50}P_{70}K_{140}$ кг/га қўлланилган вариантларга нисбатан ўғит $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрида қўлланилган барча, вариантларда ҳосилдорлик энг юқори бўлди. $N_{100}P_{70}K_{140}$ + “Ер Малҳами” вариантыда, “Ер Малҳами”, Ер Малҳами + ўғит $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га қўлланилган вариантларга нисбатан 20,3 ва 8,4 ц/га мос равишда юқори бўлди. $N_{100}P_{70}K_{140}$ + “Бист” варианты, “Бист” препарат ва “Бист” + $N_{50}P_{70}K_{140}$ кг/га вариантларда ҳосилдорлик мос равишда 19,4 ва 9,3 юқори бўлганлиги аниқланди. $N_{100}P_{70}K_{140}$ + “Замин М” варианты, “Замин М” ва “Замин М” + $N_{50}P_{70}K_{140}$ кг/га қўлланилган вариантларга нисбатан мос равишда 18,8 ва 5,4 ц/га юқори бўлганлиги аниқланди. Ўғит меъёри $N_{150}P_{70}K_{140}$ кг/га гача оширилиши ҳосилдорликни нисбатан пасайиши 58,1 дан 57,3 ц/гача ни ташкил қилиши аниқланган. Биопрепаратлар ва $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрида қўлланилган вариантда назорат вариантга нисбатан 29,8 ц/га қўшимча ҳосил олинган ва 65,6 % ни ташкил қилганлиги кузатилган. Барча вариантларда энг юқори ҳосилдорлик “Замин М” биопрепарати қўлланилган вариантларда аниқланган. Ўғит меъёрлари ошиши ҳосилдорлик кўрсаткичларини пасайишига олиб келган.

Диссертациянинг **“Искандар шоли навини сифат кўрсаткичлари”** Шоли “Искандар” навининг сифати ҳам ўрганилган бўлиб таркибидаги оқсил ва амилазага баҳо берилган. Ўғит меъёри $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га данва биопрепаратлар қўлланилганда амилаза ва оқсил миқдорининг ортиши қайд этилган.


Фақат ўғит $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрида қўлланилган вариантда амилаза миқдори 19,4 %, протеин миқдори 7,1 % ни ташкил қилган бўлса, “Ер малҳами” биопрепарати қўлланилганда амилаза миқдори 20,7 % гача ошди, назорат вариантга нисбатан 1,5 % юқори бўлди. Протеин миқдори 7,3 % ни ташкил қилган бўлиб, назорат вариантга 1,2 % юқори бўлди. “Бист” биопрепарати қўлланилган вариантда амилаза – 20,8 %, протеин – 7,3 % га тенг бўлган ва назоратга нисбатан мос равишда 1,6,га 1,2% га юқори бўлган. (5,-6,-7,-8-расмлар) “Ер Малҳами” + $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га қўлланилган вариантга нисбатан амилаза миқдори 0,1 % юқори бўлди, протеин эса баровар бўлганлиги аниқланди.




5- расм. Шолини “Искандар” навининг дон таркибига биопрепаратларнинг таъсири



6- расм Шолини “Искандар” навининг дон таркибига биопрепаратлар ва ўғит N₅₀P₇₀K₁₄₀ кг/га меъёрлари таъсири



7-расм Шолини “Искандар” навининг уруғ сифатига биопрепаратлар ва ўғит N₁₀₀P₇₀K₁₄₀ кг/га меъёрининг таъсири.



8. расм Шолини “Искандар” навининг уруғ сифатига биопрепаратлар ва ўғит N₁₅₀P₇₀K₁₄₀ кг/га меъёрларининг таъсири.

“Замин М” + $N_{100}P_{70}K_{140}$ қўлланилганда амилаза 21,0 %, протеин 7,5 % ни ташкил қилди ва назоратга нисбатан 1,8 ва 1,4 % га юқори бўлган. Ўғитлаш меъёри $N_{150}P_{70}K_{140}$ + “Ер Малҳами” биопрепарати қўлланилган вариантга амилаза миқдори назоратга нисбатан 0,9 % га, $N_{100}P_{70}K_{140}$ + “Бист” қўлланилган 0,7 % га, $N_{150}P_{70}K_{140}$ + “Замин М” қўлланилганда 0,6 % юқори бўлди ва ўғит меъёри $N_{50}P_{70}K_{140}$ кг/га қўлланилган вариантга нисбатан 0,4% юқори, “Ер Малҳами” қўлланилганда 0,3 % паст, “Бист” қўлланилганда 0,1% юқори ва “Замин М” - 0,5 % паст бўлгани кузатилган. Ўғит $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёри қўлланилган вариантга нисбатан 0,7 % баланд бўлган, бироқ биопрепаратлар қўлланилганга нисбатан эса паст бўлди, ушбу кўрсаткичлар “Ер Малҳами” қўлланилганда – 0,7 %, “Бист” қўллаганда – 1,1 %, “Замин М” қўлланилганда – 0,6% ни ташкил этган.

Диссертациянинг **“Шоли етиштиришда азотли ўғитлар меъёрлари ва биопрепаратларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги ва ишлаб чиқариш шароитидаги синов натижалари”** деб номланган тўртинчи бобида шоли етиштиришда ўғитлар меъёри ва биопрепаратлар қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги ҳамда Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида 40,0 га, Хоразм вилояти Гурлан туманида 20 га майдонда ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажриба натижалари келтирилган.

Шоли етиштириш ҳаражатлари ҳисоб-китоблари 2018-2020 йилларнинг IV чораги учун нархларда амалга оширилди: ёқилғи нархи: – 4500 сўм/литр, ўғитларнинг нархи: азотли, фосфорли ва калийли-321300 сўм/кг, I репродукциядаги уруғнинг нархи-5000 сўм. Қабул қилинган маҳсулотларнинг қиймати 01.01.2018, 2019 ва 2020 йилдаги сотиш нархлари асосида ҳисобланди ва соф даромад сотишдан тушган тушум ва тўғридан-тўғри харажатлар ўртасидаги фарқи ҳисоблаш орқали аниқланди. Шунини таъкидлаш керакки, тажрибанининг барча вариантларида ўтказилган агротехник тадбирлар бир хил бўлиб, фарқ фақат биопрепаратлар – “Ер Малҳами”, “Бист”, “Замин М” ва минерал ўғитларни турли меъёрларда $N_{50}P_{70}K_{140}$, $N_{100}P_{70}K_{140}$, $N_{150}P_{70}K_{140}$ кг/га қўшимча қўлланилганлигида эди. Иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан сезиларли фарқлар биопрепаратлар ва ўғитларни ҳар хил меъёрларда қўлланилган вариантларда мавжудлиги аниқланди.

Олинган маълумотлар умумий таҳлил қилинганда (2018 – 2020 йй) шоланинг “Искандар” навини парваришда олиб борилган агротехник тадбирларни таъсирида энг паст таннарх 179,883 сўм/ц ўғит меъёри $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га ва “Замин М” биопрепарати қўлланилган вариантда кузатилган. Барча вариантлар орасида энг паст таннархи $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га ўғит меъёри ва биопрепаратлар “Ер Малҳами” қўлланилганда 184,984 сўм/ц ва “Бист” қўлланилганда – 180,691 сўм/ц аниқланган. Ўғит меъёри ошиши ва пасайиши бу кўрсаткични ошиб боришига ва рентабеллик даражасини пасайишига олиб келди.

Шоли етиштиришда минерал ўғит $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрда қўллаш ва уруғ экиш олдида Замин–М билан 10 л/т меъёрда ишлов бериш

технологияси Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманида 40,0 га майдонда жорий этилган. Натижада шолининг “Искандар” навидан 72,5 ц/га ҳосил олиниб, ҳосилдорлик 5,3 ц/га ча ошган, рентабеллик даражаси 105,8 % ни ташкил этган. Хоразм вилоятининг Гурлан туманида 20 га майдонда жорий этилганда эса шолининг "Искандар" навидан 71,8 ц/га ҳосил олишга эришилган, ҳосилдорлик 6,2 ц/га га ошган, рентабеллик даражаси 106,1% ни ташкил қилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Тошкент вилоятининг ўтлоқи ботқоқ тупроқлари шароитида шолининг ўртапишар Искандар навидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда азотли ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда Ер Малҳами, Бист ва Замин М биопрепаратларини қўллаш самарали эканлиги аниқланган.

2. Шолининг Искандар навини турли меъёрдаги минерал ўғитлар билан озиклантириш ҳамда Ер Малҳами, Бист ва Замин М биопрепаратларини қўллаш унинг кўчат қалинлигига ижобий таъсир кўрсатиб, энг мақбул кўчат қалинлиги минерал ўғитлар $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрда қўлланилиб, Замин М билан уруғга экиш олдида 10 л/т меъёрда ишлов берилганда гектарига 311,0 минг тупни ташкил этган.

3. Шоли уруғига экишдан олдин Замин-М билан 10 л/т меъёрда ишлов берилганда ва минерал ўғитлар $N_{100}.P_{70}K_{140}$ кг/га қўлланилганда ривожланиш даври давомийлиги 124 кунни ташкил этган ҳолда назорат вариантыда вегетация даври давомийлиги 113 кун, минерал ўғитлар меъёри $N_{150}.P_{70}K_{140}$ кг/га га оширилганда 126 кунгача чўзилган.

4. Шолига азотли ўғитларни қўллаш меъёрининг ортиши ҳамда Ер Малҳами, Бист ва Замин М биопрепаратлари билан уруғга ишлов берилиши унинг ўсиши ва ривожланишини жадаллаштирган ва ўсимлик бўйи минерал ўғитлар $N_{150}P_{70}K_{140}$ кг/га қўлланганда назоратдан 24,7 см баланд бўлганлиги аниқланган.

5. Азотли ўғитлар меъёрлари ва турли биопрепаратлар шолининг барг сатҳи юзаси ортишига ҳамда барг индексининг юқори бўлишига олиб келган ҳолда энг ижобий кўрсаткичларга минерал ўғитларни $N_{100-150}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрда қўллаб, Замин М билан уруғга экиш олдида 10 л/т меъёрда ишлов берилганда эришилган ҳамда сут пишиш даврида бир ўсимликда барг юзаси 157,5-160,8 см², барг индекси 5,0-5,9 м²/м² ни ташкил этган.

6. Шоли уруғига турли биопрепаратлар қўлланиши маҳсулдор поялар сонининг ортишига олиб келган ва минерал ўғитлар билан $N_{100-150}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрда озиклантирилган ва Замин М биопрепарати қўлланилган вариантларда юқори натижаларга эришилиб, маҳсулдор поялар сони 400,3-448,0 дона/м², тулланиш коэффиценти 1,89-2,23 га тенг бўлган.

7. Шолининг битта рўвакдаги дон сонига Ер малҳами, Бист ва Замин-М биопрепаратлари ижобий таъсир кўрсатган ҳолда минерал ўғитлар билан $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрда озиклантирилганда бир рўвакдаги дон сони 105,5-115,7 донага тенг бўлиб, энг юқори эканлиги аниқланган.

8. Шолининг “Искандар” нави уруғига Ер малҳами, Бист ва Замин-М биопрепаратлари билан экиш олдидан ишлов берилганда 55,0-58,7 ц/га, минерал ўғитларни $N_{50-100-150}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрларига боғлиқ ҳолда 57,3-72,5 ц/га дон ҳосили етиштирилган ва назоратга нисбатан 9,5-32,0 ц/га қўшимча ҳосил олинган ҳамда энг юқори дон ҳосили 77,5 ц/га минерал ўғитлар билан $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрда озиклантирилиб, Замин М биопрепарати уруғга экиш олдидан 10 л/т меъёрда қўлланилганда олинган ва ҳосилдорлик кўрсаткичининг 70,4% ортишига эришилган.

9. Шоли донининг сифат кўрсаткичларидан амилаза ва протеин миқдорларига турли биопрепаратлар ва азотли ўғитлар меъёрлари ижобий таъсир кўрсатиб, минерал ўғитлар билан $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га озиклантирилиб, Замин М билан ишлов берилганда амилаза миқдори 21,0 %, протеин миқдори 7,5% ни ташкил этиб, энг юқори натижалар олинган.

10. Шолининг Искандар нави уруғига Ер Малҳами, Бист ва Замин М биопрепаратлари қўлланилганда ва азотли минерал ўғитлар билан $N_{50-100-150}$ кг/га меъёрларда озиклантирилганда олинган соф даромад 9654,0-17070 минг сўм/га ни, рентабеллик даражаси 78,0-122,3% ни ташкил қилган ҳолда энг юқори самарага Замин М билан уруғга экиш олдидан 10 л/т меъёрда ишлов берилиб, минерал ўғитлар $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га қўлланилганда соф даромад миқдори 11035,0 минг сўм/га, рентабеллик даражаси 72,7 % га ортишига эришилган.

11. Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида шолининг Искандар навидан юқори ва сифатли дон ҳосили олиш учун уруғига экиш олдидан Замин М биопрепарати билан 10 л/т меъёрда ишлов бериш ва минерал ўғитларни $N_{100}P_{70}K_{140}$ кг/га меъёрларда қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 05/30.12.2019.Qx.42.01. ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ХЛОПКА**

НАУЧНО ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ РИСА

РАВШАНОВ БЕКЗОД КУРБОНОВИЧ

**ЭФФЕКТИВНОСТЬ БАКТЕРИАЛЬНЫХ ПРЕПАРАТОВ И ДОЗ
АЗОТНЫХ УДОБРЕНИЙ В ПОВЫШЕНИИ УРОЖАЙНОСТИ РИСА**

06.01.08 – Растениеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент-2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за В 2023 .2 PhD/Qx1118

Докторская диссертация выполнена в Научно исследовательском институте риса

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский, английский разуме) размещен на веб-странице научного совета по адресу (www.psuyaiti.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Намозов Фазлидин Бахрамович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ибрагимов Назирбай Мадримович,
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Уразметов Кахрамон Каримбоевич
доктор сельскохозяйственных наук, доцент

Ведущая организация:

Научно-исследовательский
институт зерновых и бобовых культур

Защита диссертации состоится «__» _____ 2024 года в ____ часов на заседании Научного совета DSC.05/30.12.2019.QX.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871)150-61-37; e-mail: rahtaуз@mail.uz.

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована за №-). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871)150-61-37;

Автореферат диссертации разослан _____ 2024 года

(реестр протокола рассылки №: ____ от _____ 2024 года)

Ш.Н.Нурматов

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.с.х.н.,
профессор

Ф.М.Хасанова

Учёный секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.с.х.н.,
профессор

Ж.Х.Ахмедов

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Наряду с ростом населения мира растет и спрос на рисовые продукты. Так по данным департамента Министерства сельского хозяйства США (USAID), производство риса в прошлом году составило 496,40 млн тонн, а в этом году было выращено 503,17 млн тонн риса, а всего в мире 6,77 млн тонн или же на 1,36 процента потребность повысилась³. Актуальным вопросом также является достаточное обеспечение спроса населения сельскохозяйственными продуктами за счет новых ресурсосберегающих агротехнологий с эффективным использованием водных ресурсов и сохранением плодородия почв.

Установлено, что биопрепараты имеют большое значение в повышении плодородия почвы и урожайности сельскохозяйственных культур. Биопрепараты ускоряют физиологические процессы в растениях и не оказывают негативного воздействия на окружающую среду, увеличивают количество полезных микроорганизмов в почве, число болезнетворных микроорганизмов уменьшаются, снижаются затраты на минеральные удобрения. В мире проводятся научные исследования по использованию биопрепаратов в различных культурах и изучению норм минеральных удобрений. В частности, при выращивании риса важна обработка семян биопрепаратами перед посевом, а также имеет большое значение совершенствование агротехники возделывания с различными нормами минеральных удобрений.

В последние годы особое внимание уделяется выращиванию сельскохозяйственной продукции, увеличению экспорта, внедрению в отрасль современных технологий, рациональному использованию водных ресурсов. Однако сегодняшняя ситуация с растущим дефицитом воды и увеличением населения требует внедрения водосберегающих и современных агротехнологий для водоёмких сельскохозяйственных культур. В постановлении Президента Республики Узбекистан от 2 февраля 2021 года № PQ-4973 «О мерах по дальнейшему развитию рисоводства» предусмотрено увеличение площадей посева риса, стабильное обеспечение населения рисом и увеличение экспортного потенциала⁴. В связи с этим необходимо усиление научно-исследовательской деятельности, внедрение современных технологий, организация элитных семеноводческих хозяйств, создание новых сортов риса, пригодных к почвенно-климатическим условиям, разработка водосберегающих технологий.

В постановлениях Президента Республики Узбекистан № УП-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», № УП -158 от 11 сентября 2023 года «О стратегии Узбекистана-2030» - указано о повышении

³ (USAID) <https://www.workwithusaid.org/sub-opportunities>

⁴ Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию выращивания риса» от 02.02.2021 г. № ПП-4973

урожайности зерновых до 80 – 85 ц/га, внедрение современных ресурсосберегающих агротехнологий, обеспечение интеграции науки, образования и производства в аграрном секторе, увеличение выращивания риса, обеспечения внутреннего потребительского рынка рисовой продукцией, поставленным задачам, определенным в указе, постановлении и других нормативных правовых документах, в определенной степени служит реализации данное диссертационное исследование.

Соответствие исследований приоритетам республиканского научно-технического развития. Данная диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнологии, экология и охрана окружающей среды».

